

ДОНИЁР МИРЗО

ШИРИН ҲАЁТ



ДОНИЁР МИРЗО

ШИРИН ҲАЁТ

шеърлар



Тошкент — 2013

УДК 821.512.133-1
КВК 812(ЗУЗБ)
М18

Масъул муҳаррир:
Амир ХУДОЙБЕРДИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Кўнгилларни китикловчи, дил торларини чертувчи сатрлари билан шеърият шайдолари эътиборини қозонган истеъдодли шоир Дониёр Мирзо булоқ сувларидек тиниқ, шалодадек шаффоф туйғуларга йўғрилган шеърларини жамлаб ҳукмингизга ҳавола этмоқда.

“Оққушгинам” ва “Бахт бешиги” китоблари орқали Сизга таниш бўлган Дониёр Мирзо янги тўплами билан нафақат китоб жавонингизга, балки кўнглингизга ҳам чуқурроқ кириб боришига ишонамиз.

Гар шуъласи бўлмас эрса,
Тош надир, гавҳар надир.
Ҳар неки бисёр экан,
Бўлмағай унда кадр...

ISBN 978-9943-381-92-6

© Дониёр Мирзо.
© “Наврўз” нашриёти, 2013 йил



ШЕЪР МАҒЗИДА НАВО БЎЛСА...

У қўшиққа айланади, оппоқ қушдай қанот қоқиб тез кўзга ташланади, дилга киради, тилга тушади.

Дониёр Мирзониинг:

**Эркин-эркин қанотларинг ёз,
Юксак-юксак айлагил парвоз.
Оққушинам, оққушим, оққуш...**

дейишининг замирида ҳам юқоридаги маъно — куй қанотидаги СЎЗ парвози назарда тутилгани кўриниб турар.

Шоирнинг илк китоби “Оққушинам”, иккинчиси эса “Бахт бешиги” деб аталишининг тагида ҳам парвоз истиаги — сўз ва навонинг қўшқанот бўлиб беғубор мақсад чўққилари сари учиши, кўзларни қувонтириши, дилларни ром этишидан умидворлик туйғуси балқиб кўринган эди. Ушбу “Ширин ҳаёт” китобида эса бу манзара янада ёрқин бир тарзда кўзга ташланади.

Бевосита китоб ҳақидаги мулоҳазаларга ўтишдан олдин Дониёр Мирзониинг шахсияти, унинг Ўзбекистон давлат санъат институтидаги талабалик йиллари, бу ёқимтой, хушфелъ йигит, ёш шоир ҳақида бир оз тўхталай дедим.

“Саҳна ва экран санъати драматургия”си бўлимининг 3-курсига биринчи бор дарсга кирганимда аён бўлдики, талабаларнинг кўпчилиги истеъдодли йигит-қизлар, мулоҳазалари чуқур, дунёқарашлари ўз ёшларига хос турфа-турфа, бир сўз билан айтганда, фикрловчи, изланувчан, қўлида қалами бор ёшлар.

Уларнинг орасида Дониёрнинг ўз қарашлари, мулоҳазалари билан ажралиб турганини сезганман ва “Тўйсиз томоша” драмасини сўраб олиб ўқиб чиққанман ҳам.

Асар воқеаси ҳаётий, долзарб, қаҳрамонлари ўз феъл-атвориға эға, тили равон, тимсолларға, рамзларға бой. Бундан хурсанд бўлганман ва Дониёрнинг келажагига катта умид боғлаганим рост. Унинг кейин ёзган “Бибигул” шеърий драмаси, нашр этилган шеърий асарлари, ижро қилинаётган қўшиқлари фикримнинг исботи бўлиб кўринган.



Қўлингиздаги китоб шоир ижодида янги босқич, чиройли пиллапоя.

Муҳаббат ҳақида:

Гоҳи бизга очмагайдир сирин муҳаббат,
Гоҳи бизга сочмагайдир нурин муҳаббат,
Азоби кўп, қийноғи кўп, шундай бўлса ҳам,
Ширин ҳаёл, ширин висол, ширин муҳаббат.

Бой бувадан:

Пахса девор уйингиз,
Сувоқлари нақшинкор.
Билармисиз, бой бува,
Қизингизда кўнглим бор.

Икки шеърдан олинган қўйидаги икки мисра бир-бирини мантиқан давом эттиришини ва тўлдиришини қаранг:

...Дил эшигин таққиллатган қиз.
...Юрагимнинг йиртиғини ямаб қўйгин.

Она соғинчи ҳақида:

Қўшиб эркалардим болангга сени,
Болангни соғиндим, болам, кел, дейди.

Ёки:

Тасаллига зорикқанда ғариб кўнглим,
Дардларимни англамаса эрка синглим,
Бу оламда ёлғизгина кўзи мунглим,
Мен онамнинг дуосига суянаман.

Ёки мана бу халқона байтларни кўринг:

Қўпқарига келар улус кенг овулдан,
Ўрта овул, паст овулдан, дўнг овулдан...

“Ширин ҳаёт”нинг мен нурли томонларини кўрдим, фикр мантиққа соя солмаслиги табиий – катта йўл, ахир, олдинда. У очик, равон, узун ва файзли бўлсин!

Эркин САМАНДАР



*Ушбу китобим падари бузрукворим
Мирза Туйғуновнинг таваллуд кунин,
юбилей тўйига тўёна бўлсин*

ДУОГЎЙИМ – ОТАЖОН

Қаддим кериб ёнингизда турибман,
Меҳрингиздан тоғдай қаср қурибман,
Сиз борсизки, элда яйраб юрибман,
Меҳри дарё, бор жаҳоним отажон,
Дуогўйим, отажоним, отажон.

Сиз оилам қувончисиз, отажон,
Сиз ҳаётим, суянчимсиз, ҳар қачон,
Сиз онамнинг таянчисиз, отажон,
Дуогўйим, отажоним, отажон,
Меҳри дарё отажоним, отажон.

Борлигингиз бахтим маним, давлатим,
Сизсиз менинг салобатим, савлатим,
Чуҳ десам гар, кўкка учади отим,
Дуогўйим, отажоним, отажон,
Меҳри дарё отажоним, отажон.

Фаним ғавғо сололмайди бошимга,
Биров оғу сололмайди ошимга,
Эркалигим ярашади ёшимга,
Меҳри дарё, бор жаҳоним отажон,
Дуогўйим, отажоним, отажон.



ОҚҚУШ

Қанот қоқдинг, қилдим учирма,
Қанотларинг кўкни қучурма,
Истамасанг, майли, кечирма,
Оққушгинам, оққушим, оққуш.

Қўшқанотдир кўк тоқи, очун,
Даҳри дунда дилни этма хун,
Сенинг отанг эмас Афлотун...
Оққушгинам, оққушим,
оққуш.

Фалак узра айлагил парвоз,
Патларингда пўлат сарафроз,
Етти иқлим аро қулоч ёз,
Оққушгинам,
оққушим,
оққуш.

Учолмасанг ит талаб кетар,
Тумшуғингни бит талаб кетар,
Ола мушук тимдалаб кетар,
Оққушгинам,
оққушим,
оққуш.

Айтганни қил, бўлмагин тажанг,
Бургут ила қилиб юрма жанг,
Ётиб ейиш эмасми режанг?
Оққушгинам, оққушим, оққуш.





ТАВАЛЛУД КУН

Сиз бу элнинг азиз ўғлонидирсиз,
Бугун ўн еттига тўлғонидирсиз,
Бахту омади ҳам кулғонидирсиз,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.

Ёши ўн еттига етиб, этилган,
Кўнгли муҳаббатга мағлуб этилган,
Ҳар йил қайта-қайта, табрик этилган,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.

Дастурхон кўркидир майизу ёнғоқ,
Сиз элнинг кўркисиз, юрагингиз оқ,
Бугун ўн еттига тўлган ”чақалоқ”,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.

Кўзингиз чақмоғу, сўзингиз чақин,
Сиз танти йигитсиз юракка яқин,
Бобонгиздан мерос белингизда қин,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.

Тилайман, сиз юзга тўлишингизни,
Юз йиллик юбилей қилишингизни,
Элнинг оқсоқоли бўлишингизни,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.

Кучоқ очаверар келинчак баҳор,
Бир ёшга улғайиб, қилинг ифтихор,
Сизга илинаман, кўнгилда не бор,
Соф дилингиз доим қувончга тўлсин,
Туғилган кунингиз муборак бўлсин.

Вақт келиб, юз билан — юзлашиб юринг,
Кампирга калишин излашиб юринг,
Дониёр Мирзо билан “сиз”лашиб юринг,
Соф дилингиз доим шодликка тўлсин,
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин.



БИЛИНГАЙ

Ситам сиртмоғига бошинг илингай,
Кўксинг қилич ила қирққа бўлингай.
Беғуноҳ бандалар қадрү қиммати,
Дилдаги яралар битгач билингай.

Биринг икки эмас, учга ўхшайдир,
Миянг ҳам ошқовок, пучга ўхшайдир,
Ожизлик ўткинчи кучга ўхшайдир,
Ҳаёт чархинда бош кетгач билингай.

Сўнгра азоб, ситам, бари виждонга,
Кейин қийин бўлар бечора жонга,
Чунон зорикқайсан бир бурда нонга,
Талқонни минг тавоф этгач билингай.

Саркаш хаёлингу илму аъмолинг,
Синовдан синиқса, абгора ҳолинг,
Кўлдан кетмағудай туюлган молинг
Бари бир кун кўлдан кетгач билингай.

Қанчалар буюқдир яратган номи,
Саждага бош ургил, бўлмагил оми,
Кўнгилга кўрк берур Тангри каломи,
Қуръонни кўзингга суртгач билингай.

Қанча босилмаган адоқсиз йўллар,
Қатлга очилган дуосиз қўллар,
Қаҳрингдан қадрсиз ранжиган диллар,
Умринг поёнига етгач билингай.

Айби олов бўлиб, ёниб-ёзгани,
Илм уммонида ойдан ўзгани,
Ўзин оромини шеър деб бузгани,
Бошингни дор интиқ кутгач билингай.

Элсевар эди-қу Қодирий, Чўлпон,
Илҳоми тошқиндай, илҳоми – вулқон,
Юзингга кўзидан сачраганча қон,
Рухлари ёқангдан тутгач билингай...



Қанча буюкларни “единг-ку, аблах”,
Кўксингга наштардай санчилсайди зах,
Бошинг кафтларимда янчилсайди вах,
Ўзинг ҳам зардоблар ютгач билингай.

Қай бирин аямай қамоққа тикдинг,
Биринг қотил, биринг айғоқчи чиқдинг,
Мискинга кўзларинг жаҳаннамга тенг,
Отганинг уволи тутгач билингай.

Қайғуда қақшаган қисмати қора,
Оталар-оналар, диллари пора,
Тақдири шул экан, нетур, начора,
Сотганинг заволи тутгач билингай.

Оқил-чун ярашиғ таърифинг қани?
Уларни қўй, мани ос, ўлдир мани.
Сен-ки жаллод боласи — дил душмани,
Бошинг тандан учиб кетгач билингай.

ҚОПҚОН

Қизғалдоқни кучоқлаб ётар,
Қиқирлашиб қирмиз лолалар.
Саҳар чоғи қирни уйғотар,
Қувонишиб шўх шалолалар.

Рутубатга кўмилган рутуб,
Гувоҳ унга чексиз коинот.
Ёқа йиртиб тўртала қутб,
Ер юзига бағишлар ҳаёт.

Етти фалак турар қадди дол,
Тумансулув ҳорғин шу дафъа.
Булутзорлар мунғаяр беҳол,
Тирикликдир буюк фалсафа.

Ер белига етмагай зуннор,
Уввос солар уфқ ўпқони.
Кўк тоқига илингайдир дор,
Гул умрингнинг ўлим қопқони.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3752> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3752> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3752>